

МАКТАБ ТАЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРИ ТАДҚИҚИ

Адолат Нуралиева,

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида таълим сифати мониторинги бўйича адабиётлар таҳлили, халқаро умумтаълим муассасалари бўйича тажрибалар тадқиқи. Таълим сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган, сифатли таълимни йўлга қўйишда халқаро тажрибаларни тегишли тартибда амалда босқичма-босқич тадбиқ қилиш тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: тадқиқот, халқаро тажриба, илмий фаолият, салоҳиятли кадрлар, ўқувчи ёшларнинг ёш жихатлари.

Мониторингга бағишланган асосий тадқиқотлар ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган эди. Уларга В.И. Андреев, В.П. Беспальков, В.А. Кальний ва бошқалар томонидан бажарилган ишларни келтириш мумкин. Улар ўз ишларида Ю.В. Васильев, Ю.А. Конаржевский, В.С. Лезеров, Т.И. Шамов ва бошқалар томонидан яратилган таълимни бошқаришнинг назарий асосларига таянган эдилар. Мазкур олимларнинг ишларида мониторинг тизимини ишлаб чиқиш асос бўлган – бошқариш фаолиятининг мазмуни, бошқариш функцияси ва тамоиллари очиқ берилган. Кейинги бир неча йиллар давомида бевоситиа таълим сифати билан боғланган масалалар тадқиқ қилинмоқда. Унинг технологияси ва бошқариш механизми ишлаб чиқилмоқда. Жумладан; Д.Ш. Матрос, Д.М. Полев, Н.Н. Мельенкова, Н.А. Кулемин ишлари мониторинг асосида таълим сифатини бошқаришга бағишлангандир.

АҚШда ярим асрдан буён педагогик тестдан ўтказиш хизмати мавжуд. Унинг вазифасига тест ўтказиш амалиётини умумлаштириш ва кенгайтириш, ўқувчилар ҳақида диагностик маълумотлар йиғиш ва бу маълумотларни анализ қилиш, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш ва синаб кўриш киради. Бу хизмат тестдан ўтказиш қоидаларини белгилайди ва унинг бажарилишини назорат қилади. У Принстондаги университет марказида жойлашган бўлиб, штатида 2300 та одам ишлайди. 70-йилларда ходимлардан 150 таси фан доктори ва 200 таси турли ўқув предметлари ва бошқа фалсафа, педагогика, психология ва статистика бўйича министрлардир. Мазкур хизматнинг мамлакат бўйича 5000

дан ортиқ тест ўтказиш пунктлари мавжуд. АҚШ да тестлар олий таълимда муҳим муҳим роль ўйнайди.

Ғарбда тестдан ўтказиш нафақат ўқув юртларида балки, корхоналарда ишлаётган ёшларнинг ўқимишлилик даражасини белгилашда ҳам ишлатилган. Масалан 1966 йилда Германияда савдо саноат палатаси корхоналарда ишлаётган 2000 дан ортиқ аввалги йилларда ўқишни битирган ёшларни мана шундай тестдан ўтказган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ҳар бештадан биттаси ёзиш бўйича қониқарсиз баҳо, олтидан биттаси тўрт амални тўла бажара олади, ҳар тўрттадан биттаси арифметикадан қониқарсиз баҳо олган. Европада тестлар АҚШ дагидай кучга эга эмас.

Англияда оммавий мактабларда “Касб маҳорати учун меҳнат таълими” курси ўқитилади. Хафталик мажбурий дарсларида (1-2 соат) ўқувчилар турли тест ва анкеталарни тўлдирадilar. Уларнинг барчаси компьютерларда бажарилади.

Мисрда 1968 йилда қабул қилинган қарорга кўра дастлабки уч бошланғич синфда ҳар ойда оғзаки ва ёзма тестлар барча ўқув предметларидан ўтказилади. Ўқув йили охирида улардан ўртача баҳо чиқарилиб натижасига кўра кейинги синфга ўтказилади.

дастлабки уч бошланғич синфда ҳар ойда оғзаки ва ёзма тестлар барча ўқув предметларидан ўтказилади. Ўқув йили охирида улардан ўртача баҳо чиқарилиб натижасига кўра кейинги синфга ўтказилади. Ҳаттоки Чад Республикасида 70-йилларининг бошида 4-6 синфларига танлов тестлар орқали амалга оширилган. Туркияда тестлар кенг қўлланилади. Унда АҚШ дагига ўхшаш тест маркази мавжуд. Болтиқ бўйи Республикасида, Россияда ва Ўзбекистонда ҳам тест марказлари бор.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига барқарор ривожланишда таълимнинг ўрнини 10 йилли деб номланган йиғилишида (2005 й) кўпгина мамлакатларда ўз ечимини кутаётган кўпгина масалаларни мамлакат раҳбарлари олдига қўйди. Лекин таълим сифатини яхшилаш юқоридан мажбурлабамалга ошириладиган иш бўлмасдан, жамият эҳтиёжи бўлгандагина муваффақият қозониши мумкин. Ҳозирги кунда таълим сифатини ошириш бўйича катта муваффақиятга эришган тўртта мамлакатни келтириш мумкин: Финландия (1990 йилдаги иқтисодий кризис билимлар асосида иқтисодни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга олиб келди);

Канада (таълим - давлат қурилишида муҳим калит (иммигрантлар жуда кўп));

Куба (таълим жамият ривожланишининг мақсадлари ва кадриятларига мос келади).

Кореяда дастлаб миқдорий ўсишларга эришган бўлса, кейинчалик 1980 йилдан бошлаб сифатга эътибор бера бошлади. Таълим ривожини учун алоҳида солиқ жорий қилинди. Реферомларни ўтказишга илмий тадқиқот институтлари бошчилик қилади. 1990 йилда ҳукуматга боғлиқ бўлмаган реферомларни қўллаб қувватловчи маслаҳат органи тузилади. Реформани кенг жамоатчилик қўллаб қувватлайди. Ўтказилган халқаро тадқиқотларга (PISA) кўра ҳозирги кунда Корея табиатшунослик фанлари бўйича биринчи ўринни, математика бўйича учинчи ўринни, ўқиш бўйича еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

Кубада таълим шахсни гармоник ривожланишидаги (ўзига жисмоний тарбия спорт, бадиий тарбияни олади) ролини кучайтириш йўналишида қаралади. Ҳозирги кунда Кубада таълимга ажратилган инвестиция ялпи ишлаб чиқилган маҳсулотнинг 11% ни ташкил этмоқда. Саводсизлик 40% дан нолгача камайди.

Канадада ўқитувчи касби энг обрўли касблардан бири ҳисобланади. Педагогика соҳаси бўйича ўқишни истовчилар орасида конкурс жуда катта. Ўқитувчи ҳар йили ишдан ажралмаган ҳолда 40 кун мажбуран ўқиши керак ва у молиялаштирилган. Улар ҳар беш йилда аттестациядан ўтишга мажбур. Аттестациядан ўтмаган педагоглар ўқитувчилик сертификатида маҳрум бўладилар. Ҳар йили мактаб, туман ва вилоят миқёсида таълим сифати мониторинги ўтказилади. Канада ўқиш бўйича иккинчи ўринни, математика бўйича еттинчи ва табиатшунослик бўйича олтинчи ўринда туради. Қизиғи шундаки иммигрантларнинг болалари маҳаллий болаларга нисбатан юқори даражани кўрсатган.

Финландия – ўқиш бўйича биринчи, математика бўйича бешинчи ва табиатшунослик бўйича тўртинчи ўринни эгаллайди. Ўқиш учун ҳамма жойда бир хил шароит яратилиши ва барча жамиятнинг ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келди. Таълимга кўп маблағ сарфламаган ҳолда ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичларга эришиши 15 йилда катта муваффақиятларга олиб келди. Ҳар бир ўқитувчи иккита предмет бўйича магстр даражасига эга.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар нуфузли касб эгалари ҳисобланади. Олий ўқув юртларига ўқишга киришни хоҳлаган абитуриентларнинг педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртига ҳужжат топширганлари кўпчиликини ташкил этмоқда.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадиган келтирилган муаммоларга ёндашув асосан натижаларига кўра таълим сифатига баҳо берилади. Бунда бош ўрин уларнинг когнитив аспектларига ажратилади. Олинган натижаларнинг таълим муассасасида яратилган шароитга, таълим

жараёнининг ташкил этилишига аҳамият берилмайди. Кўпгина мактабларнинг фаолияти шу мактабдан нечта ўқувчиси, фан олимпиядалари ва спорт мусобақаларида олган ўринлари, нечта олий ва 1 тоифали ўқитувчиси борлиги, қолаверса мактабнинг ҳисоб рақамида қанча пули борлиги билан белгиланиб келинмоқда эди. Бундай маълумотлар фақат миқдорий кўрсаткичларни бериб, таълим сифатини объектив баҳолашга имкон бермайди. Унга кўра келажак учун прагноз қилиш ва таълим сифатини яхшилаш борасида аниқ режалар тузиб бўлмайди. Тадқиқотлар “Таълим сифати” тушунчасининг ўзи ҳам илмий жиҳатдан етарли очиб берилмаганини кўрсатди. Шунга кўра таълимда янги сифат даражасининг педагогик интерпретациясининг аниқмаслиги билан социал талабларга кўра таъминланиши орасида қарама-қаршилик пайдо бўлди. Яъни сифатли таълимга бўлган социал буюртманинг бажарилишини назорат қилиш зарурияти билан уни объектив баҳолашнинг мезонлари ва механизмининг тўла ишлаб чиқилмаганлиги орасида зиддият мавжудлиги, мактаб таълим сифатини назарий жиҳатдан асослаш ва уни мониторинги воситасида таълим тизимини самарали бошқаришни таъминлаш механизми муаммоси мавжудлигини кўрсатади.

Умуман олганда мамлакатимизда халқаро дастурларнинг таълим тизимини баҳолаш ва мониторинг қилишдаги иштироки мавжуд эмаслиги ёки ўқувчи ёшлар билимлари даражасини баҳолаш ёки мониторинг қилишнинг “**Миллий дастури**” яратилмаганлиги, ҳудудлар кесимида ёшлар томонидан у ёки бу фанни ўзлаштириш даражасининг сифати ва соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб бориш ва тегишли ислоҳотлар ўтказиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шунингдек бошланғич ва умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитиш даражасининг ислоҳотлар темпидан ортда қолаётганлиги яқин келажакда малакали кадрлар танқислиги келтириб чиқаради. Шунини инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифларни амалга ошириш жоиз деб ҳисоблаймиз:

- Халқаро таълим сифатини баҳолаш дастурларида Ўзбекистонинг иштироки масаласини атрофлича ўрганиб чиқиш ва ушбу дастурларда иштирокни таъминлаш;
- Халқаро тажрибан келиб чиққан ҳолда ўқувчи ёшлар билимлари даражасини баҳолаш ёки мониторинг қилишнинг “**Миллий дастури**”ни яратиш;
- Илм-фан ютуқларининг энг илғор натижалари ва адабиётларнинг инглиз тилида нашр қилинишини инобатга олган ҳолда, инглиз тилини ўргатувчи турли хорижий дастурларни тадбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш;

- Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия беришга масъул мутахассисларнинг малака талабларини аниқ мезонлар орқали белгилаб қўйиш ва болаларнинг умумий таълимга йўналтирилишида бутунлай масъуллигини қонун билан белгилаб қўйиш;
- Мактабгача таълим ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларидаги гуруҳ ва синфларда халқаро тажрибада синалган усуллардан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар сонининг максимал ҳамда минимал кўрсаткичларини белгилаб қўйиш;
- Психологик тестлар ёрдамида бошланғич синфлардаги истеъдодли болаларни ажратиб олиб 8-9 ёшлилар учун ҳар бир мактабда ихтисослашган синфлар ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумтаълим мактабларида таълим сифати мониторингини ўтказишда қўлланиладиган инструментарий (ускуна) ларни тузиш бўйича методик қўлланма. А.Холмаматов, А.Нуралиева. Қўлланма. Тошкент.: 2018 йил.
2. Умумтаълим мактабларида сифатли таълимнинг босқичма-босқич юқори босқичларга кўтарилишида кадрлар салоҳияти/ Илмий конференция (*тўплам*). Тошкент.: 2020 йил
3. Таълим сифатининг баҳолашнинг илғор тажрибалари ўрганилиши ва халқаро баҳолаш тизимига тажрибалар асосида ўтиш/ Илмий конференция (*тўплам*). Тошкент.: 2020 йил